**МАҲАЛЛА ДАСТУРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН** 2-бет

**«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ** 3-4-5-бет

**ЎЗБЕК ТЕЛЕСЕРИАЛЛАРИГА МУШТОҚ КЎНГИЛЛАР** 6-бет



**ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ** 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 135 (9.938) | 2003 ЙИЛ 11 ИЮЛЬ

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАРШАВА УЧРАШУВЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневскийнинг таклифига биноан 10 июль куни расмий ташриф билан Варшава шаҳрига жўнаб кетди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.**

— Польша ҳақида гапирганда, энг аввало, бизни бу мамлакат билан кўп йиллик тарих боғлаб туришини айтиш керак, — деди Президент. — XIX асрда чор Россиясига қарши кўзғолон кўтарган поляклар мамлакатимиз ҳудудига сургун қилинган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида қатағонга учраган поляклар учун ҳам юртимиз иккинчи Ватан бўлган. Айни пайтда мамлакатимизда истиқомат қилаётган поляк миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ўқув юртларимизда поляк тили ўргатилаётгани, умуман, юртимиздаги поляклар миллий ўзлигини сақлаб келаётгани бу фикрнинг яққол далили бўла олади.

Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорликка келсак, бизда ҳам, уларда ҳам ўзаро алоқалар миқёсини янада кенгайтириш, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиш истаги борлигини айтиш жоиз. Польшада ҳокимият тепасига Александр Квасьневский келгач, бу истак, хайрихоҳлик янада кучайди. Ўтган йил октябрь ойида Польша Президенти мамлакатимизга ташриф буюрган чоғида бунга яна бир бор амин бўлдик. Жўғрофий жойлашиши, коммуникация, автомобиль ва темир йўллари жиҳатидан кенг имкониятларга эга бўлган, ялпи ички маҳсулоти 200 миллиард АҚШ долларидан ошувчи, ўзининг юксак салоҳиятидан оқилона фойдаланаётган Польша билан ҳамкорлик бизнинг манфаатларимизга ҳар томонлама мос келади. Польша яқиндагина НАТО-дек нуфузли ташкилотга аъзо бўлгани, 2004 йили эса Европа Иттифоқига қўшилишини ҳисобга олсак, жаҳон миқёсидаги нуфузи кундан-кун ортиб бораётган бу мамлакат билан ҳамкорлик биз учун ҳар жиҳатдан муҳим экани янада яққолроқ намоён бўлади.

Европанинг етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этилаётган Польша билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида гапирганда, бу соҳадаги натижалар, афсуски, мамлакатларимизнинг салоҳиятига жавоб беролмаслигини айтиш керак. Шу сабаб Варшавага ташрифимиз чоғида иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Сафар давомида саккизта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар орасида Польшанинг Ўзбекистонга имтиёзли кредит ажратишига оид ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларига тенг иккита кредитнинг ярми мамлакатимиздаги таълим муассасаларини қайта таъмирлаш учун сарфланади.

* * *

**ВАРШАВА. 10 июль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади)**

Польша Президенти саройидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Польша Президенти Александр Квасьневскийнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Польша алоқаларини ривожлантириш, мамлакатларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, долзарб халқаро масалалар, хусусан, Афғонистонни тиклаш, халқаро ташкилотлар, дастур ва лойиҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида эса томонлар Ўзбекистон-Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.



Ҳужжат имзолаш маросими аввалида мамлакатимиз раҳбари Польша Президентига ҳаёт тақозоси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдирини ўзида акс эттирувчи архив ҳужжатларини топширди. А.Квасьневский бу хайрли ишни катта хайри-саховат сифатида қабул қилишини таъкидлаб, Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ҳужжат имзолаш маросимида ҳукуматлар ўртасида иккита кредит битими, божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ўзбекистон мудофаа вазирлиги ва Польша миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Польша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшанинг «Банк государства краевего» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекилди.

Ислом Каримов ҳамда Александр Квасьневскийнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида музокаралар чоғида муҳокама қилинган масалалар, икки мамлакат ҳамкорлигининг диққатга сазовор жиҳатларига оид ахборот берилди. Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Варшавадаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Польша Парламентида ўтказилган учрашув чоғида Ислом Каримов Польша Сенати раисининг ўринбосари Й.Данеляк хоним ҳамда Польша Республикаси Сейми маршали М.Боровский билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Польша ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни жадаллаштириш, мавжуд ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, томонлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишга оид масалалар тўғрисида сўз борди.

Президентимизнинг Польшага расмий ташрифи давом этмоқда.

**СУРАТДА: ташриф пайтида.**
**Абдувоҳид Тўраев олган сурат.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Тараққиётга расмий ёрдам» (ODA) дастури доирасида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**
- **Кеча Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика қўшиқ байрами танловининг Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги якуний босқич ўтказилди.**
- **Кеча «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасида ЮНФПА, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Экосан» ёшлар уюшмаси ташаббуси билан Бутунжаҳон Аҳолишунослик кунига бағишланган «Соғлом атроф-муҳит ўсмирлар ва ёшлар учун» мавзуидаги тадбир ўтказилди.**
- **Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманлари ҳудудидан оқиб ўтадиган Амударёнинг қуйи қисмида бунёд этилаётган улкан кўприк Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.**
- **Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида америкалик ишбилармонлар билан ҳамкорликда масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Каттақўрғонмева» қўшма корхонаси иш бошлади. У бир кеча-кундузда 600 тоннагача помидорни ишлаб 1,5 тонна томат пастаси тайёрлаш қувватига эга.**
- **Гулистон шаҳрида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирокида «Минитех-2003» кўргазмаси бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

- **Халқаро атом энергетикаси ташкилоти (МАГАТЕ) раҳбари Муҳаммад ал-Барадей келгуси ҳафтада ўз инспекторларини Теҳронга юбориш масаласи бўйича Эрон ҳукумати билан келишувга эришилганини маълум қилди.**
- **Доғистон Республикасининг Конституцион мажлиси Доғистоннинг янги Конституциясини қабул қилиш юзасидан якдиллик билан овоз берди.**
- **Франция Соғлиқни сақлаш ва тадқиқотлар вазирлигига тақдим этилган маърузада айтилишича, агар Францияга террорчилар томонидан бактериологик ҳужум амалга оширилгудек бўлса, мамлакат фуқароларининг ҳаёти жиддий хавф остида қолиши мумкин.**
- **Москвада навбатдаги террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Чеченистонлик аёл «Имбарь» ресторанида бомба портлатмоқчи бўлганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди, бироқ бомбани зарарсизлантириш пайтида ФСБ ходими ҳалок бўлди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш мумкинми?**

**М.Ихтиёров,**
**ишчи.**

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда: ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади.

* * *

**Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ҳолларда никоҳ тикланадими?**

**М.Умурзоқова,**
**тадбиркор.**

Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарори бекор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкин.

Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас.

* * *

**Кутубхона мудирлари 10 йилдан ортиқ кутубхона тизимида ишласа, пенсияни тўлиқ олиши мумкин деган гапни эшитиб қолдим. Шу тўғрими?**

**Ф.Маҳсумова,**
**магистр.**

Адлия вазирлиги томонидан 1993 йилда тасдиқланган тартибга биноан бош кутубхоначи, кутубхоначи аёллар ёшга доир пенсияга чиққанларидан кейин ишни давом эттирган тақдирларида ҳам пенсияларини тўлиқ олиш имтиёзидан фойдаланадилар. Яъни, 10 йилдан ортиқ кутубхона тизимида юқоридаги лавозимларда ишлаб пенсияга чиққан ва ишини давом эттираётган аёллар бу имтиёздан фойдаланишга ҳақлидирлар. Мазкур тартибда имтиёздан фойдаланувчилар қаторида кутубхона мудирлари назарда тутилмаган.

* * *

**Қазғоқни қандай йўқотиш ҳақида маслаҳат беришингизни сўраймиз.**

**Г.Шарипова,**
**Т.Нодирова,**
**талабалар.**

Соч — кўзгу, дардингиз, ҳасратингиз, ҳатто кайфиятингиз аксидир. Бирор воқеадан қаттиқ азият чекканда одамнинг нерв тизимининг толиқиши оқибатида соч ранги дарҳол хиралашиб тўкилади, оқаради. Яна бир ёмон касаллик, одам углеводларни, мол ёғини, шўр нарсаларни кўп еганда тери ёғи ажралиши кўпаяди. Тери тангалари бир-бирига ёпишиб қазғоқ касаллигини пайдо қилади.

Қуруқ қазғоқда соч мўрт, ранги хира, қуруқ бўлади. Бош териси майда оқ қазғоқлар билан қопланиб, сочни тараганда тўкилади. Бундай сочни кўпи билан ҳафтада икки марта атир совун билан ювиб, ювиш олдидан бош терисига сал илитилган ўсимлик ёғи суртиш тавсия этилади. Дорихоналарда сотиладиган қариқиз ўти мойини ҳам ишлатса бўлади. Шунингдек, сервитамин овқатлар ейиш, ширинликларни, ёғли ва шўр овқатларни камроқ истеъмол қилиш керак.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# Маҳалла ободлиги — юрт ободлиги

**Мамлакатимиз Президенти томонидан 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши маҳалланинг жамиятимиздаги ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида муҳим қадам бўлди. Энг муҳими, «Обод маҳалла йили» дастури ишлаб чиқилди ва амалда кенг татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари моддий, маиший ва ижтимоий ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ушбу дастурни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.**

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида ушбу дастурнинг олти ойлик ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси раиси К.Тўлаганов анжуманни очар экан, юртимизда маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда дастурнинг олти ойлик якунлари ҳақида «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоевнинг ахбороти тингланди. Ўтган вақт мобайнида юртимиз маҳаллаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, маҳалла оқсоқоллари, раисларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш бўйича кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бу борада жамғарманинг Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

Маҳаллаларда тижорат банкларининг кредит линиялари орқали кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, гузарлар қурилиб, янги иш ўринлари барпо этилаётир. Ёш оилаларга кўмаклашиш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларни ижтимоий муҳофазалаш каби хайрли юмушларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Кекса авлодга ғамхўрлик кўрсатиш янада кучайтирилмоқда.

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, хонадонларни табиий газ, ичимлик сув билан таъминлаш ишлари ҳам янада жонланди. Дастурга кўра ўғил-қизларни спортга кенг жалб қилиш, маҳаллаларда турли спорт иншоотлари бунёд этиш, оилавий спорт мусобақалари ташкил этилаётгани диққатга лойиқдир.

Анжуманда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси юзасидан республика кўригида фаол иштирок этаётган илғор маҳаллалар фаоллари, раислари, ҳокимликлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар вакилларига совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Раҳмат сизга, одамлар

Саодат хола оламдан ўтибди, деган хабар бир зумда маҳаллага тарқалди. Оқсоқол фаолларни, ўзига тўқ оила аъзоларини идорага йиғиб, уларга маслаҳат солди.

— Биласиз, онахонимиз ёлғиз эдилар, уларнинг тирикчилигига маҳалла қарашиб турарди. Энди у кишининг барча маросимларини ҳам маҳалла ўтказиши керак. Албатта, биз ҳам ўз фондимиздан маълум миқдорда пул ажратамиз. Аммо, ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмайди, деган гап бор. Кўпники кўл. Шундай экан сизлар ҳам бу савобли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшасизлар, деган умиддаман.

Бу гап Карим акага малол келди.

— Қизиқсиз, Камол ака, — деди у оқсоқолга юзланиб. — Ҳозир ҳамманинг ҳоли ўзига маълум. Шундай бўлгач, кўрпага қараб оёқ узатиш керак-да. Ўз тирикчилигини аранг ўтказиб турган одам, ўзгага бераман деб пул нақдлаб турибди дейсизми.

Шу гап баҳона йиғилиш анча чўзилди. Биров у деди, биров бу. Охири бориб ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди. Ҳар ким қўлидан келганча ҳисса қўшадиган бўлди.

— Менда бир таклиф бор, — деди Карим ака ўрнидан туриб. — Марҳуманинг каттагина ҳовлиси, уй-жойи бор. Яхшиси уни бировга хатлаб бериш керак. Ана ўша одам ўтказсин барча маросимларни кўнгилдагидек қилиб. Биз ҳам қўл қовуштириб турмай лаган-паган ташиб турармиз.

— Хўп, қизиқ гапни гапирасизда, Каримбой, айни ҳозир шу гапнинг мавриди эмас-ку. Олдин марҳумани жойига элтиб олайлик. Ҳовлини хатлаш бўлса қочмас.

Хуллас, йиғилганлар борига қараб ўртага пул ташлади. Қолган маҳалладошлар ҳам қараб турмади. Ҳар ким топганини берди. Фақат Каримбой йўқман деб туриб олди.

Холанинг йигирмасини ҳам маҳалладошлар бир тан бўлиб ўтказишди. Орадан 3-4 кун ўтиб, Карим ака эрта тонгдан Камол оқсоқолнинг эшигини қоқди. Нима экан, деб эшик очган оқсоқолни кўриб Каримбой бирдан кўз ёши қилиб қолди. Унча-мунча одамга бош эгиб, буткул сўз бермайдиган киши қаршингда кўз ёши тўкиб турса ғалати бўлади. Оқсоқол ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима гап? Бирор яқинларингиз оламдан ўтиб қолдими, Каримбой?

— Ундан баттар бўлди, оқсоқол. Худо уриб қолди, кечаси хонадонимизга ўғри тушиб, бор-йўғимизни шилиб кетди.

— Э, шундай денг, бўпти бораверинг, мен ҳозир орқангиздан етиб бораман. Милицияга хабар қиламиз. Ноумид бўлманг, балки ўғрини топармиз.

Эрта тонгдан одамлар орасида дув-дув гап тарқалди. Нима дейсиз, Карим аканинг уйини ўғри уриб кетибди. Йиғиб қўйган мол-мулкидан ташқари бир қанча тилла буюмларини, доллар ва нақд пул жамғармасини бир тийинигача қолдирмай шип-шийдон қилиб кетибди.

Ён қўшниси ночор марҳума Саодат холанинг маросими учун пул йиғилганда «йўқман», деб турган кишида шунча пул борлигини эшитиб, маҳалладошлар ҳайратдан ёқа ушлашди.

Карим акага холисона ёрдам кўрсатиш ҳақида гап борганда кўпчилик сукут сақлади. Фаолларнинг бу масалада хоҳиш билдирмаётганликларини сезган оқсоқол Камол ака шундай деди:

—Маҳалладошларнинг бирлиги мана шунақа инсон бошига оғир иш тушганда билинади. Шундай экан Карим аканинг қилмишини муҳокама қилиб ўтирмай, қўлимиздан келганча унга ёрдам беришимиз керак.

Бу таклифдан ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Карим ака эса ҳўнграб юборди. У энтика-энтика «Раҳмат сизга, маҳалладошлар» дея олди холос.

## Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир

Бозор айланиб юриб икки сотувчи аёлнинг жой талашиб бир-бирини ҳақоратлаётганининг устидан чиқиб қолдим. Қадди-бaсти келишган бу аёлларнинг оғзидан чиқаётган сўзларига инсон зоти чидаб туролмасди. Юзингда кўзинг борми демай, бир-бирини ўйнашдан олиб ўйнашга солаётган бу аёлларнинг эрлари айни дамда шу ерда бўлиб қолса борми, бу гапларни эшитиб не ёмон хаёлларга боришарди.

Шу воқеа сабаб бундан 3-4 йил аввал рўй берган бир фожеани эслаб қолдим. Айнан унинг содир бўлишига ҳам ўйламай айтилган тутуруқсиз бир гап сабаб бўлганди...

Бу даҳшатли қотиллик маҳалла аҳлини ларзага солди. Наҳот қўй оғзидан чўп олмаган Носиржон шундай ишга қўл урса. Ўз жуфти ҳалолини, бири-биридан ширин тўрт фарзандининг онаси — Ҳакимахонни чавақлаб ташлаган бўлса? Бечора марҳуманинг не гуноҳи бор эканки, ҳаёти шу қадар аянчли якун топса? Мана шу саволлар йиғилганларни қийнарди.

Ҳакимахоннинг жасади ерга қўйилгач, кечга бориб ивир-шивир гап тарқалди.

— Ҳакимахоннинг ўлимига бир шифокорнинг нотўғри қўйган ташхиси сабабчи бўлган экан.

Шамоллаш туфайли касалликка чалинган эр-хотин шифокорга мурожаат қилишибди. У касаллик сабабини тўла аниқламай турибми ёки ҳамёнини қаппайтириш учунми ўзича шундай хулоса чиқарибди.

— Бу бироз сирли касаллик. Қайси бирингиз юрасиз билмайман, лекин касаллик бегоналар билан алоқа қилиш оқибатида бир-бирингизга юққан.

Бу кутилмаган гапдан эр-хотиннинг ранги докадек оқарди, бузарди.

— Вой, нима деяпсиз, дўхтир, — дея олди зўр-базўр уятдан ловиллаб ёнаётган Ҳакимахон.

— Бу қандай гап?

Носиржон бироз дағ-дағa аралаш бу саволни дўхтирга бердими ёки хотини Ҳакимахонга қаратдими, тушунарсиз эди. У титроқ қўллари билан шу ондаёқ аёлининг ёқасига чанг солди.

— Бу қандай гап, айт беномус?

— Вой, нима деяпсиз, отаси. Олдин сўраб-суриштиринг.

Дўхтир уларни тинчлантириб, муросаю мадорага чақирди.

— Ҳозир жанжаллашадиган вақт эмас. Ундан кўра зудлик билан даволанишга киришинглар. Агар хоҳиш бўлса муолажани ҳозирдан бошлаймиз.

— Қандай қилиб, вой бу шармандаликдан кўра ўла қолсам бўлмайдими?

Ҳакимахон ҳўнграб ташқарига отилди. Носиржон унинг орқасидан югурди.

— Вақт ўтса кеч бўлади, — бақирганича қолди шифокор.

Умр бўйи сиз оғзи санга бормаган эр-хотин ўша куни қирпичоқ бўлди. Эр хотинини ўйнашликда айблар, хотин эса эридан гумонсирарди.

Наҳот, болаларини ўйламай шундай номаъқулчиликка борса? Шу савол икковининг хаёлини юрса ҳам, турса ҳам пармаларди. Носиржон бу номусга чидаёлмади. Шартта костюмини елкасига ташлаб чиқиб кетди. Бир-бирига меҳрибон ота-онанинг ўртасидан қандай мушук ўтганини тушунолмай фарзандлар ҳайрон. Шу кетганча Носиржон бир ҳафта уйга қайтмади. Турли жойларда ётиб юрди.

Ҳакимахон тинч ўтирмади. Ўзга гинеколог-шифокорга учради. Унга бу касаллик ўткинчи, озроқ шамоллаш асорати эканлиги, агар керакли муолажаларни олиб турса тезда тузалиб кетишини айтишди.

Кўнгли таскин топган Ҳакимахон йўл-йўлакай ўйларди. Ҳайрият, эрим бечорада ҳам ҳеч қандай гуноҳ йўқ экан. Мен ҳам, у ҳам ўша бебурд шифокорнинг сўзига ишониб, не-не хаёлларга бормадик-а. Энди унга қандай бўлмасин бор гапни етказиш керак. Тинчлантириб, уйга қайтариш керак.

Ўша куни Носиржон бир алфозда уйга қайтди. У қаттиқ маст эди. Ҳакимахон ўйлаб қўйган гапларини эрига айтолмади. У Носиржонни аранг уйга олиб кириб ётқазди.

Носиржон ярим тунда сувсираб ўрнидан турди. Совуқ сув жўмрагини бураб ундан тўйгунча ичди. Гандираклаб келиб ўрнига чўзилди. Ёнида хотини беозор ухларди. Носиржон унга қарадию бирдан хаёли бузилди. Шу дамда лоп этиб яна ўша гап эсига тушди. У анча вақтгача зўр-базўр ўзини босиб ётди. Кейин шиддат билан ўрнидан турди. «Йўқ, деди у, бу ишга чек қўйиш керак».

Носиржон ошхона томон югурди. Ош пичоқни қидириб топиб, хотини устига бостириб келди. Ҳакимахон чўчиб уйғонди. Деразадан тушиб турган ой нурида эрининг қўлидаги пичоқни кўриб бақириб юборди. Онанинг ғалати қичқириғидан болалар уйғониб кетишди. Улар фожеадан хабар топиб қўшниларни ёрдамга чақиришди.

Шундай қилиб, чаласавод шифокорнинг ўйламай айтган гапи бутун бир оилани хонавайрон қилди. Бор гапдан бехабар қолган эр эса бегуноҳ хотинининг жонига қасд қилди. Ҳа, азизлар, донишмандлар «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган сўзларни бежиз айтишмаган экан-да.

## Шарқ дурдоналари

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...**

● Хушфеъл одам доимо роҳатда бўлади, уйқусида ҳам қўрқмайди. Чунки инсон бедорликда нимани одат қилган бўлса, уйқусида ҳам ўшани кўради.

● Ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут.

● Таъмагир бўлмаслик зарурки, балоларнинг хилма-хили ана шу таъмагирлик сабабли юз беради. Одам арзимас нарсаларга ҳам жаҳлини чиқаравермаслиги керакки, кишига жаҳлдан ҳам кучлироқ душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди.

● Ҳинд ҳакими айтади: сабру чидамли одам пушаймонлик тортмайди: кам қийналган одам кам роҳат топади. Уялиш ёшларга чирой, кексаларга айб. Ботирлик аскарларга чирой, ўғриларга эса айб. Уч тоифа одамни кўрмай туриб ҳам севиш мумкин: олимни, сахийни ва одил кишини.

● Анушервон Бузургмеҳрдан сўради:

— Бахтли одам ким?

— Уч нарсани уч нарса билан безаган, яъни фикрини тўғрилик билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан, — деди у.

Яна сўради:

— Номуносиб дўстдан қандай қутулса бўлади?

— Зиёратига бормаслик ва нарса сўрамаслик билан, — деди у.

Яна сўради:

— Покиза инсонлардан қандай узр сўралади?

— Ҳожатини раво қилиш билан.

Яна сўради.

— Яширин сирлар қачон ошкор бўлади?

— Мастликда.

У сўрашда давом этди:

— Кўришдан кўзга қувват ва нур ҳосил қиладиган нима?

— Вафодор хотин ва қобул фарзандлар, — деди у.

Яна сўради:

— Жондан ҳам ширин нарса нима?

— Беғараз дўст суҳбати, — деди у.

— Аччиқ бўлса-да, ўта ширин нима?

— Кучли ғазабни ичга ютиш, — деди у.

**Байт:**

**Дунёда қолдими кўрмаган**
**нарсам,**
**Кўрдим деб гердайма,**
**не кўрибсан кам,**
**Бир одам қалбини овлай**
**олдингми?**
**Инсон қалбидан борми**
**кенг олам?!**

● Ўзидан бошқани билмайдиганлар мислсиз фазилатлар ахтарадилар.

● Барча мақтанчоқларнинг бирдан бир қисмати шуки, улар эртами-кечми, ҳар қалай панд ейишади.

● Баъзи кишилар ўзларининг кучи ва қудрати етмаган нарсага беҳуда интиладилар. Бу ишнинг уддасидан чиқишга имконлари бўлмагач, обрўни кетгазмаслик учун қўлларини силтаб: «Бўлмаган нарса ҳеч фойдасиз, бўлганидан бўлмагани яхши, кони зиён», деб уни ёмонлаш пайида бўладилар.

ҲИКОЯТ. Бўри билан шер ўзаро келишиб овга чиқдилар. Бир ерга етиб келишгач, бўри шерга қараб: «Қўйларнинг овозини эшитяпсанми? Ҳозир мен улардан бирини тутиб келаман. Сен овора бўлмай шу ерда туракол», — деди ва бирга бормоқчи бўлган шерни бормасликка, бу ишни бир ўзи осонгина уддалай олишига кўндирди. Ҳовлиқиб қўйлар томон йўл олган бўри қўйларни баланд девор билан ўралган қўтон ичида эканлигини ва чўпонларнинг бақириб-чақириб юрганини кўрди. Девордан ошиб тушишга юраги бетламай, ночор орқага қайтди ва шерга деди:

— Бу ердаги қўйларнинг ҳаммаси ориқ экан, уларга вақт сарфлаб ўтиришга ҳам арзимайди. Бироз семиришсин ўшанда келамиз.

**Байт:**

**Такаббурлик — жонсиз бир мато,**
**Ювса калта, қилмагин хато.**

• МУНОСАБАТ

# «ГИПНОЗЧИ» СЕРИАЛЛАР

**Ҳозирги кунда ойнаи жаҳон орқали жуда кўплаб хориж телесериаллари намойиш этилмоқда ва унга талаб кундан-кунга ошмоқда.**

Ҳар бир халқнинг сериаллари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, бирон халқнинг телесериали орқали биз ўша халқнинг яшаш муҳити, урф-одатлари, турмуш тарзи, дини ва бошқа жиҳатлари билан яқиндан танишамиз. Лекин аксарият телесериалларнинг туб моҳияти бир-бирига ўхшаш бўлади. Сериалларда табақаланиш, яъни бой ва камбағаллар ўртасидаги келишмовчиликлар, бойликка ҳирс қўйганлар, тубанликка қодир эканлиги, қабиҳ ишлардан қайтмасликлари, лекин кўзлаган мақсадлари амалга ошмай, эзгулик, адолат, ҳақиқат ҳамиша ғолиб келиши ва энг асосийси оташин муҳаббат ўз аксини топган. Шу мазмундаги сериалларга мисол қилиб Мексика кино ижодкорлари томонидан яратилган «Эсмеральда», ҳозирги кунда эса «Гвадалупе», Колумбия кино ижодкорлари томонидан яратилган «Морена Клара», «Муҳаббат қаҳваси», Корея кино усталари томонидан маҳорат билан яратилган «Қалбим чечаги» ҳамда жуда катта шов-шувларга сабаб бўлган «Қиш сонатаси» сериалларини келтиришимиз мумкин. Бу телесериаллар халқимизни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган турли касб эгаларини шунчалик ўзига жалб қилиб қўйганки, улар соат нечада намойиш этилмасин, ишдан ҳориб, чарчаб келишларига қарамай барча ишларини йиғиштириб қўйиб, ҳатто бошқа кўрсатувларни кўрмай телевизор тагига михланиб қоладилар. Айниқса «Эсмеральда» телесериали эфирга узатилаётган вақтда баъзи сериал ишқибозлари унга шу даражада мафтун бўлиб, бошқа нарсаларга бепарво қарашлари натижасида уйларидаги товуқларини, молхоналаридаги молларини ўғрилар ўғирлаб кетган ҳолатлар ҳам рўй берган. Ўғрилар ҳаттоки сериалдан миннатдор бўлиб уй эшигига «Эсмералдага раҳмат», деб ёзиб кетишган. Кейин эса ушбу сериал ўрнини ҳамма учун севимли ва қадрли бўлиб қолган «Қиш сонатаси» телесериали эгаллади, чунки бу сериал бошланди дегунча одамлар ҳеч нарсага эътибор бермай фақат сериал кўриш билан банд бўлдилар. Гўё уларни сериал гипноз қилиб қўйгандек. Бу сериалларни кўриб унинг мухлислари руҳан дам оладилар.

Ҳар бир томошабин чет эл сериалларини кўриб ўзига яраша хулоса чиқариб олади. Баъзи мухлислар сериаллардан фақат фойдали жиҳатларини ўрнак қилиб олсалар, баъзилар эса улардаги хорижликларнинг юриш-туришига, яшаш тарзига, турмуш муҳитига тақлид қилиб ўзлигини, ўзбеклигини унутиб қўяди.

Шу ўринда савол туғилади. Нима учун ўзбек кино ихлосмандлари хориж сериалларини ўзбек сериалларига нисбатан катта иштиёқ билан томоша қиладилар? Менимча, ўзбек кино усталари «Чархпалак», «Аёл зоти» каби тарбиявий аҳамиятга эга бўлган телесериалларни кўплаб яратишса ва улар телеэкран орқали намойиш этилса, бундай сериаллар кино мухлисларининг қалбидан чуқур жой олади ва уларнинг эҳтиёжини қондиради. Шундагина телетомошабинлар чет эл сериалларини эмас, балки ўзбек телесериалларини мириқиб томоша қиладилар.

**Мадина УМАРОВА**



**Дилдан суҳбат.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

• БИЛАСИЗМИ?

### ДУНЁ КЎРДИМИ ФОЙДА

Ҳа, инсонларни азал-абад ўйлантирувчи саволлар кўп. Лекин ҳозир эътиборингизни бошқа бир маълумотга тортмоқчимиз. Олимлар инсоннинг 75-80 йиллик ҳаёти давомида кечувчи баъзи ўртача табиий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишибди. Бунга кўра инсон танаси шунча вақт ичида 23 минг литр сўлак, 18 минг литр тер ажратади. 300 миллион марта киприк қоқилади. Олинган тирноқларнинг жами узунлиги эса 4 метрга етиши мумкин экан. 22 тонна озиқ-овқат ейилади, шу билан бирга сув, чой, кофе, шарбат, ароқ,—хуллас, жами 33 минг литр суюқлик ичилади. Шунча маҳсулотлардан ажралувчи энергия қуввати билан эса майдони 100 квадрат метр бўлган уйни 10 йил давомида тўхтовсиз иситиш мумкин экан. Ўпка 720 миллион марта нафас олади, юрак уриш микдори 3 миллиард марта экан. Бунда биргина юракнинг «Фойдали иш кўрсаткичи» — бир неча юз тонна оғирликдаги юкни осмону фалакларга кўтариб чиқиш билан тенг бўлар экан!

# Мунажжимлар башорати

**14-20 июль**

**Қўй** (21 март — 20 апрель) — Ҳафта шуниси билан яхшики, синалган ҳамкорларингиз билан яна учрашиб, жиддий ишларга қўл урасиз. Янги ишни бошлашингиздан олдин, соғлиғингизга бироз эътибор қаратинг.

**Бузоқ** (21 апрель — 20 май) — Олдингизга қўйган мақсадингиз сари олға боришингиз мумкин. Севган кишингиз билан муносабатларингиз тобора яхшиланиб боради.

**Эгизаклар** (21 май — 21 июнь) — Ҳафта мобайнида дўстларингиз билан бўлган ноўрин хафагарчиликлар, таклиф-мулоҳазалар сизни бироз мушкул аҳволга солади. Молия соҳасида ҳамкорларингиз билан келишмовчилик юзага келиши мумкин.

**Қисқичбақа** (22 июнь — 22 июль) — Орзу умидларингиз рўёбга чиқадиган кун келди. Омадингизга ишонинг. Мақсад ва орзуларингиз учун курашинг.

**Арслон** (23 июль — 23 август) — Ушбу ҳафтада оилавий муаммоларни ечиш билан банд бўласиз. Шубҳаларга ўрин йўқ. Иккиланмай оилангиз, яқинларингиз билан муносабатни яхшилашга уриниг.

**Паризод** (24 август — 23 сентябрь) — Бу ҳафта бизнесда ва касбий фаолиятингизда ғаройиб ўзгаришлар рўй беради. Кутилмаган янгиликдан бошингиз осмонга етади. Фақат айрим рақибларингиз сизга халал бериши мумкин.

**Тарозу** (24 сентябрь — 23 октябрь) — Ҳафта давомидаги ҳар қандай учрашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Шу ҳафтада хизмат сафарларини режалаштиринг. Акс ҳолда мўмай даромадни бой берасиз. Соғлиғингиз безовта қилиши мумкин.

**Чаён** (24 октябрь — 22 ноябрь) — Оилавий келишмовчиликлар иш фаолиятингизга ҳам таъсир этиб, айрим муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўзингизни қўлга олиб, муаммоларни оғир ва босиқлик билан ҳал қилишга ҳаракат қилинг.

**Ўқотар** (23 ноябрь — 21 декабрь) — Хизмат доирасидаги фаол ҳаракатларингиз молиявий аҳволингизни яхши томонга ўзгартириши турган гап. Ҳамкасбларингиз билан муносабатларингизни яхшилаб олинг. Дам олиш кунлари оилангиз даврасида бўлинг.

**Тоғ эчкиси** (22 декабрь — 20 январь) — Сизни қизиқтираётган маълумотларни олишга уринишингиз бефойда. Кутилмаган учрашув ва таклифлар сизни бироз гангитиб қўяди. Фақат ўз ақлингиз билан чуқур мулоҳаза қилиб иш кўринг.

**Қовға** (21 январь — 19 февраль) — Ушбу ҳафта ишда тартиб-интизомга риоя қилинг. Биргина қўнғироқ билан ҳаётингизда катта ўзгаришлар юз бериши эҳтимол. Ҳар қандай хизмат сафарини кейинга қолдиринг.

**Балиқ** (20 февраль — 20 март) — Яқинларингиз сизнинг ўй ва режаларингизга қарши чиқиб, оилада келишмовчилик пайдо бўлиши мумкин. Ижодий сафарлардан кутаётган ютуқларингизга шубҳа қилмасангиз таваккал қилиб, иш бошланг.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

**Инсон ҳаётида шундай ҳаяжонли ва унутилмас дақиқалар, кунлар бўладики, улар бир умр эсдан чиқмас бўлиб хотирамиздан чуқур жой олади.**

### Ҳаяжонли дақиқалар

Шундай қувончли ва ҳаяжонли воқеалардан бири Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг магистрлари ҳаётида юз берди. Яъни университетнинг битирувчи магистрларига дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Кечани университет ректори, профессор Ғ. Шоумаров очди ва йиғилган маҳмонларни ва магистрларни қизғин табриклади. Сўнгра дипломлар топширилди. Дастлаб имтиёзли дипломлар топширилди. Тадбир сўнгида эса магистрларни табриклаш учун меҳмонларга сўз берилди. Хорижлик профессор Жон Смит ва бокс бўйича Жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев магистрларни бугунги ҳаяжонли ва бахтли кунлари билан чин юракдан табрикладилар ва уларнинг қувончларига шерик бўлдилар. Тантанали кечада магистрлар ҳаяжонга тўлиб устозларига ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар ва Ватанимизга муносиб, содиқ фарзанд бўлишга сўз бердилар. Сўнг университет маъмурияти томонидан энг яхши устоз ва шогирд, энг яхши спортчи, энг яхши фан умидларига совғалар топширилди.

**Нилуфар ЗИЯТОВА**

• АКС САДО




# Кичкина қушчанинг катта ташвишлари

**Газетамизнинг июнь ойи сонларидан бирида она табиатнинг таркибий қисми бўлмиш ҳайвонот оламига назар ташлаб, атроф-муҳитга ўзига хос жозиба киритаётган ва шу билан бирга зарар ҳам етказаётган жонзотлардан бири — майна қуши ҳақида ҳикоя қилгандик ҳамда ушбу мавзу юзасидан мутахассислар, олимлар, турли соҳа вакилларини мушоҳада юритишга чорлагандик. Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультети доценти Абдулла АЮПОВ бу борада орнитолог олим сифатида қуйидаги фикрларни билдирди:**

— Биз ҳайвонот оламидаги кўпчилик жониворларнинг эстетик, илмий ва бошқа жиҳатларини эътиборга олиб, уларни муҳофаза қилиш йўлларини излаймиз, ҳимояталаб бўлаётганларини эса «Қизил китоб» саҳифаларига киритамиз. Лекин ҳозирги пайтда айрим турлар борки, уларни ҳақиқий табиий офат десак янглишмаймиз.

Бугунги кунда афғон майнасининг келтираётган зиёни юртимиз аҳолиси, айниқса деҳқонларни ташвишга солмоқда. Бу қушлар гала-гала бўлиб боғу узумзорлар мевалари, ҳаттоки полиз экинларига ҳужум қилиб, хосилларга катта зарар етказмоқда.

Шаҳар шароитида ҳам майнанинг зарари оз эмас. Баҳор фаслидан бошлаб то қиш киргунча бу «босқинчи» гилос, ўрик, шафтоли, олхўри, анжир, узум, ҳаттоки пўсти қалин бўлган олма ва хурмони, нордон олчани ҳам чўқиб озиқланади. Пойтахтимизнинг яшилликка бой жойлари — маданият ва истироҳат боғлари ва хиёбонларида куни билан дам олувчилар меъдасига тегадиган тарзда чуғурлаб, кечалари тўда-тўда бўлиб дарахтларда тунаши атроф-муҳитни антисанитар ҳолатга келтирмоқда. Зараркунанда қушларнинг аҳлати билан ҳаммаёқни булғашида турли юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлиши хавфи бор. Нега деганда улар ўлимтик жониворлар билан ҳам озиқланади. Юқумли касалликлар микроблари эса қушларнинг ошқозон-ичак тизимидан ўлмай ўтиб кетиши мумкин.

Майна очкўз, илмий тил билан айтганда «ҳаммахўр» қуш ҳисобланади, у дуч келган хўракни еб кун кечира олади. Асосан ёпиқ уя қуради. Дарахтлар, иморатлар кавакларидан ташқари, майна инини ток сўрисининг қувурлари, кўчаларни ёритувчи чироқлар ва симёғоч кавакларида, жарликларда учратиш мумкин. Ёпиқ жойларда қурилган уялар аввалambор бу қушлар наслини хавф-хатардан асрайди, қолаверса, майналар оилавий тарзда бир-бирини жуда яхши ҳимоя қилади. Тўда-тўда бўлиб юриши уларнинг ҳимоя воситасини кучайтиради.

Бу борада бир воқеага гувоҳ сифатида тўхталиб ўтмоқчиман. Шаҳар хиёбонидаги баланд дарахтлардан бирининг устида тўсатдан икки қушнинг шовқин-сурони эшитилди. Билсам, дарахт кавагида оддий чуғурчуқнинг уяси бор экан, майна эса уяни тортиб олмоқчи. Бир ўзининг кучи етмади шекилли, «босқинчи» қаттиқ қичқира бошлади. Шунда атрофдаги унинг бошқа шериклари учиб келиб, чуғурчуқни чуқий бошлади. Натижада чуғурчуқ уяни ташлаб кетишга мажбур бўлди...

Шу каби яна бир ҳодисани бўлажак биолог талабаларимиз ёзги дала амалиётида кузатишган. Ўша кезда улар майна ини олдида экологик кузатишлар олиб боришганди. Бир пайт инга олмахон ҳуруж қилган. Буни кузатиб турган майналар қаттиқ шовқин кўтариб, олмахонни чўқиб ташлашган. Шу каби омиллар туфайли майна ўз яшаш ҳудудини, айтиш мумкинки, жуда катта тазйиқ билан кенгайтирмоқда. У иқтисодий зарари билан бир қаторда бойўғли, қизилиштон, чумчуқ, мусича ва оддий чуғурчуқларни табиатдан «сиқиб» чиқаришга уринмоқда.

Кўпчиликда тирик табиий офатга айланган бу қушнинг кейинги йилларда кўпайиши ва тарқалиши доирасини қисқартиришнинг иложи борми деган савол туғилиши табиий. Бироқ ҳамма қушлар каби майнанинг фойдали томонлари ҳам йўқ эмас. Масалан, бу қушлар қишлоқ хўжалигига зарар келтирадиган турли ҳашаротларга қирон келтиради, яъни улар билан озиқланади. Лекин бу фойда етказиладиган зиёнга мутаносибмикан?..

Бу қушларнинг сонини чеклаш борасида, масалан, ҳамма иморатлардаги кавакларни йўқ қилиш, уй чордоқлари, том эшик- тешикларини сетка — катаклар билан ёпиш мумкин. Шундай тарзда уларнинг ин қуришга жой тополмагач далалардаги жарликларга кўчишига «қулай шароит» яратилади.

«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамиятида бу масалага алоҳида ёндошилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институти мутахассислари бу корхона ҳудудида кечалари тунайдиган майна қушлари устида узоқ ўрганишлар олиб боришган. Тунда уларнинг сони бир неча мингтани ташкил қилган. Уларнинг кечаси билан дастгоҳлар ва нодир металлар устига тушган ахлатини тозалаш учун эса эрта билан ҳар бир ишчининг ярим соатдан зиёдроқ вақти кетган. Орнитолог-мутахассислар майна корхона ҳудудига қайси вақтда ва қайси йўналишдан учиб келишини кузатишган. Ушбу жараёнда бир қуш ушлаб олиниб унинг овози магнитофонга ёзилган. Кейин, ҳар куни қушлар учиб келадиган пайтда овоз кучайтиргичлар ўрнатилиб, майнанинг ёзиб олинган «дод-фарёд»и қўйилган. Шу тариқа уч кун қилинган чўчитиш тажрибаси натижасида майналар корхонага бошқа қайтишмаган.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган фикр-мулохазалардан кўпчилик тегишли хулоса чиқаради. Аммо майнани зараркунанда бўлса ҳам умуман йўқотиш масаласига ҳар томонлама ўрганилган ҳолда ёндошиш зарурлигини унутмаслигимиз керак. Бизнинг мулоқотимиз давом этади. Олим ва табиатшунослардан майна ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ, уларни камайтириш йўллари баён қилинган мақолаларни кутиб қоламиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

UJB

*Ҳурматли юртдошлар!*

*«Ўзуйжойжамғармабанк» Сизга пулингизни ва вақтингизни тежайдиган «Коммунал» омонатини таклиф этади.*

**«КОММУНАЛ» ОМОНАТИ**

**БУ СИЗНИНГ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНГИЗНИНГ БАНК ФОИЗИ ҲИСОБИГА ТЎЛАНИШИДИР.**

☞ «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳар ойда Сизнинг коммунал тўловларингизни тўлаб боради ва Сизнинг коммунал тўловларингиз бўйича бухгалтерия ҳисоб китобларингизни олиб боради.

☞ Коммунал омонатининг шарти: ҳисоб рақамини очиш учун ўзингиз билан паспорт, накд пул ва коммунал ташкилотларига тўловлар ҳисоб-рақамларингиз бўйича маълумот тақдим қиласиз.



☞ Сиз бирламчи тўловни ўзингиз белгилайсиз.

☞ Даромад йиллик 40% (ойлик 3.33%) миқдорида ҳисобланади.

☞ Белгиланган муддат тугагач омонатда сақланаётган маблағларнинг барчаси тўлалигича омонатчига қайтарилади.

**«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»** — ИШОНЧЛИЛИК, АНИҚЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК!

*Сиз «Коммунал» омонатини «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг исталган омонат кассасида очишингиз мумкин.*

*Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 132-13-18, 133-31-62*

*факс: 133-03-53; e-mail: treasury@sarkor.com www.uzujb.com*

Лицензия № 55 от 24.03.97г.

## «ОГ»: ҳодисалар

◆ Ўйламай босилган ҳар қандай қинғир қадам пушаймондан ўзга нарса олиб келмайди. Миробод тумани, Қуддус кўчасида яшовчи Р. Эльдар исмли йигит ҳам кўпчилик каби ҳалол меҳнат қилиб, кун кечириш ўрнига, аксинча, хаёлига ўрнашиб қолган қалтис бир режани амалга оширишга аҳд қилди. У Кичик Бешёғоч кўчаси, 305-уйнинг фуқаро О. Передрийга тегишли 29-хонадонига эшикни бузиш орқали кириб, кўзига яхши кўринган нарсаларни ўмара бошлади. Аммо шу фурсатда воқеа жойида ҳозир бўлган милиция ходимлари «ов»нинг белига тепишди. Шундай қилиб, ушбу жиноятчи умумий нархи юз минг сўмдан ортиқ турли хил уй-рўзғор буюмларини деб бугунги кунда афсусладомат чекиб қолди.

◆ Юнусобод тумани, Ш. Қозоқбоев кўчасида жойлашган 44-уйга ўз ғаразли мақсадини амалга ошириш учун кирган ўғрининг ҳам ҳозирда юзи шувут бўлиб ўтирибди. Аниқланишича, асли ўзи Бухоро вилоятининг Риштон тумани, Тинчлик кўчасида истиқомат қилувчи О. Юнус исмли бу йигит фуқаро Ш. Худойбергановнинг икки бош қўйига осонгина эга чиқиб олмоқчи эди. Туман ички ишлар бошқармаси ходимлари унинг қабиҳ ниятини чиппакка чиқаришди.

◆ Одамлар орасида билагидаги куч, ғайрат-шижоатини турли ноқонуний ҳаракатларга сарф этишни ўзларига лозим топган айрим шахслар ҳам учрайди. Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган «Кадишев» бозорида Чирчиқ шаҳрининг 4-Кичик туманида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган М. Омон ҳам ўзининг ана шундайлар тоифасидан эканлигини исбот этди. У Қорасув-6 даҳасидаги 17-уйнинг 24-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро О. Жавкаеванинг сумкасини лезвие билан кесиб, 500 минг сўмдан ошиқ пуллари ва фуқаролик паспортини ўғирлаб кетаётган вақтда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

◆ Маълумки, гиёвандлик балоси бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан инсоният саломатлигига раҳна солувчи турли хилдаги гиёванд моддалар ва уларнинг олди-сотдиси билан шуғулланаётган нопок кимсаларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Яқинда, Сергели-6 даҳасида жойлашган пивохона олдида ҳаракатларидан бирмунча бесаранжом ва безовта кўринган бир шахс милиция ходимлари томонидан текшириб кўрилганда, унинг ёнида 320,46 грамм марихуана гиёванд моддаси борлиги аниқланди. Андижон шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган О. Олег деган бу йигит эндиликда қонун олдида тегишли жавоб беради.

◆ Миробод тумани, Й. Охунбобоев кўчаси, 38-уй олдида ўтказилган тадбир натижасида гиёвандлик моддаларини сотишда гумон қилинган Сурхондарё вилоятида яшовчи Х. Жўрақул исмли шахс ҳам ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг қўлидаги сумка кўздан кечирилганда ичида умумий миқдори 933,94 грамм бўлган героин моддаси борлиги аниқланди. Ҳозирда суриштирув-текширув ишлари олиб борилмоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 54-катталар таълим маркази томонидан Қурбонов Отабек Маҳмуд ўғли номига 2001 йилда берилган ORA№916767 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





Сўлим боғлар қўйнида.



## Қатралар

### ИЛҲОМ ПАРИСИ

Илҳом парисини излаб топиш қийинми ё осонми, қимга қанақа билмадиму, менга қолганда ҳеч ўзини кўрсатмайди. Излай-излай гоҳ хаёлнинг туманли бўшлиқларига кириб адашаман. Ойдинли йўлга чиқа олмай ҳорийман.

Ниҳоят аламимни меҳнатдан оламан. Тана ва юзимда реза-реза тер. Вужудимда қонларим жўшаркан фикрларим маънодан тўлишади. Меҳнатимдан очилиб ҳар ён боққан ғунчалар: «Биз ширин мавонгмиз ва гўзал туйғунгмиз», дея ўзига чорлайди.

Энди менинг йўлим аниқ ва равшан. Илҳом парисини излаб ҳоримайман. Меҳнат билан она ерга меҳримни боғласам бас.

### ЕР ТОМИРИ

Даладаги катта-кичик ариқлар она ернинг қон томирига ўхшайди. Улардан сув — қон равон оқса ернинг тани, уриб турган юраги соғ. Ана бир эгат сувида қалқиб келаётган хас ўтга илашди. Оқимга тўғаноқ. Ниҳолларнинг бўғзигача лим-лим сув.

— Бадбахт шум-ей. — Эгат оралаб юрган деҳқон дарров хасни олиб улоқтирди. Ниҳолларни сўлдирмоқчимисан?

Деҳқоннинг ҳушёрлигидан сув яна равон оқа бошлади.

Ариқлар оддийгина сув йўллари эмас, гўё она ернинг қон томирларидир.

### КЎКНИ ҚУЧАЙ ДЕБ

— Мени қирқма. Хоҳлаганимча ўсиб ҳосил бераман, — деди бир шох дарахтга шакл бераётган ток қайчига.

— Бақувват ўссанг ҳосил юкидан қийналмас эдинг. Шох кўкни қучиш хаёли билан яшар, ток қайчининг фикрини мулоҳаза қилишга ожиз эди.

Новча бўлиб ўсган шох ҳосили етилмасданоқ танасидан ажради. Эссиз, навқирон чоғида ўзи ҳам увол бўлди, меваси ҳам.

— Кўкни қучай демаганингда қилтириқ бўлмас эдинг, қамишга ўхшаб, — ачинди учи қирқилгандан тўлишиб ўсган шох, пўстлоғида аранг турган шохга.

### ХУДБИННИНГ ҲОЛИ

Супурги майдончани супуриб тозаларди. Йўлида учраган тош: — Ён-веримни очмай қўяқол, — деди ёлвориб.

— Тозалик барчага ёқади-ку. Сен бўлсанг ифлосга ёпишасан, — ижирғанади супурги тошдан.

— Мен ҳам тозаликка ўчман. Атрофим очилиб қолишидан қўрқаман.

— Очилса нима бўпти?

— Одамларга яққол кўринсам ўрнашган жойимдан бошқа ёққа олишади. Тинчим бузилади.

— Ақлингга балли, тошвой. Чорасини топдим, — деди қўл. Асли жойинг сени паналаб турадиган ифлос, чиқиндилар уюмидир.

Қўл тошни кўтариб, уюмга қараб улоқтирди.

Меҳнат қилмай, кўпдан ажралиб паналаб юрганнинг ҳоли войдир.

### БАҲС

— Кўп йўл юрсам ҳам чиройим ўзгармади, — мақтанди ариқда шалдираб оқаётган сув оқавага. Сен-чи, озгина йўл боссанг ҳам хунуклашибсан.

— Мен чанқаган ниҳолларни қондириб, гўзаллик яратаяпман, — деди экинзордан оқиб чиқаётган оқава.

— Нима қилсанг ҳам менга тенг келолмайсан чиройда. Қуёш ўз жамолини менда кўриб, юзимни илиқ нури билан силайди. Қалқиган ой тунда юзини кўриб кумуш тангалар сочади.

— Бу ҳол менинг тиниқлигимча ҳам бўлган. Ҳув, бахмалдек қип-қизил помидорларга боқ. Тиниқлигим ўша ҳосилларнинг тош босаётганида.

— Мен сени ёқлайман, — деди оқавани хуш кўриб деҳқон ва тиниқ сувга боқди-да: — Олдин ишни қойил қил, кейин оқава билан баҳслаш, — дея уни чанқаган экинга буриб юборди.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## Бошқотирма

**Ёйлар бўйича:** 1. Спорт тури. 2. Осиёнинг Ҳимолай тоғлари билан Пир-Панжал тизмалари оралиғидаги водий. 3. Покистоннинг энг йирик шаҳри ва порти. 4. Парранда. 5. Углероднинг яна бир номи. 6. Қотишма металл. 7. Резина ишлаб чиқариш ашёси. 8. Миллий мусиқа асбоби. 9. Сув ҳавзасининг қуруқлик қисмига кирган қисми. 10. Халқоб сув. 11. Заргарликда ишлатиладиган қимматбаҳо тош. 12.Гиёванд модда. 13. Вулқоннинг моддалар отилиб чиқувчи қисми. 14. Польшадаги шаҳар. 15. «Ганг дарёсининг қизи» фильми қаҳрамони. 16. Ошкўк экин. 17. Атоқли математик ва механик олим. 18. Деҳқончилик асбоби. 19. Денгиз сайёҳи. 20. Жўғрофиядан ўқув қуроли. 21. Ҳўл мева. 22. Газ модда. 23.Инсоний фазилат. 24. Германиядаги шаҳар. 25. Пойабзал тикиш ашёси. 26. Автомобиль ёритқичи. 27. Заргарлик буюми, тақинчоқ. 28. Америка ёзувчиси. 29. Билимдон инсон. 30. Устки либослар тикиладиган жун газлама.



**Муаммонома**

Аввало қуйидаги таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Учбурчак шаклидаги қадимий, кўп торли мусиқа асбоби — 8, 3.

2. Кўп боқиладиган парранда — 9, 2, 5, 8, 7.

3. Вулқондан отилиб чиқувчи чўғсимон эриган суюқ модда — 4, 1, 6, 4, 1.

Энди очқич жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб ҳикматли сўзни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

**Газетанинг шу йил 4 июль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Фаластин. 2. Уста. 3. Хейердал. 4. Ойна. 5. Шлагбаум. 6. Жума. 7. Чархилон. 8. Либретто. 9. Мотодром. 10. Шоҳжаҳон. 11. Шевченко. 12. Ҳамзатов. 13. «Наво». 14. Шофиркон. 15. Кино. 16. Қоракурт. 17. Купе. 18. Конвейер.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Йил. 2. Бўз. 3. Қавс. 4. Шахс. 5. Мирхонд. 6. Ҳикоя.

**Ҳикмат: Имкони бор ҳар бир яхшилик — сўз орқалидир.**

**Навоий.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-547. Топширилди 11.50 1 2 3 4 5 6